# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 9 ноябрь, № 238 (8581) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ САММИТИ ОЛДИДАН САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусрав Нозирий, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какар, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашувлар ўтказди.**





**ИҲТ бош котиби Хусрав Нозирий билан учрашувда бирлашма доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ушбу кўп томонлама тузилмалар фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди.**

Давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, савдо, транспорт, инвестициялар, инновациялар, экология, туризм соҳаларида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун катта салоҳият мавжудлигини қайд этди.

Бош котиб Ўзбекистон ИҲТ фаолиятида фаол иштирок этаётгани, илк бор Тошкентда "Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари" шиори остида ўтказиладиган ИҲТнинг навбатдаги саммити юқори савияда тайёрлангани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимизнинг 2021 йилги Ашхобод саммити давомида илгари сурилган ташаббуслари изчил амалга оширилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Учрашув чоғида ИҲТ давлатлари етакчиларининг бўлажак Тошкент йиғилиши кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

**Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какар билан учрашувда икки томонлама ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.**

Турли даражаларда фаол мулоқот олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми йил бошидан буён 40 фоизга ошди. Тўқимачилик, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Йигирмата қўшма корхона ташкил этилди.

2024-2025 йилларга мўлжалланган Саноат кооперацияси дастурини тез фурсатда қабул қилиш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун савдо тўсиқларини бартараф этиш ва қулай шароитлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашувда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.**

Ўзаро савдо ҳажми жадал суръатда ўсмоқда, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Тадбирларга бой маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури рўёбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиё минтақасидаги йирик инфратузилма лойиҳаларини тез фурсатда бошлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

**Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашувда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.**

Ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаол давом эттирилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, тўғридан-тўғри авиақатновлар сони, сайёҳлар оқими ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Йил бошидан 500 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоялар жалб қилинди, 200 дан зиёд янги корхоналар ташкил этилди.

Савдо, саноат, инновациялар, энергетика, транспорт, таълим, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳа ва дастурларни жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак тадбирлар режаси, шу жумладан, Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ИҲТ бош котиби Хусрав НОЗИРИЙ:

## Ўзбекистоннинг ИҲТдаги фаол позицияси мамлакатнинг сўнгги йиллардаги ҳайратланарли ривожланиш бўйича саъй-ҳаракатларининг бир қисмидир

*Тошкентда бўлиб ўтаётган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) саммити арафасида "Дунё" АА мухбири мазкур ташкилот Бош котиби Хусрав Нозирий билан мазкур тузилмани янада ривожлантириш истиқболлари ва ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг иштироки ҳақида суҳбатлашди.*

**Эксклюзив интервью**

***— Жаноб Нозирий, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтадиган 16-саммитидан кутилаётган натижалар ва форум кун тартибидаги устувор мақсадлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз?***

— Раҳмат. Аввало, таъкидлаб ўтиш жоизки, ИҲТнинг 16-саммити аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокида Тошкентда ўтказилиши биз учун катта шарафдир.

Ўзбекистоннинг ИҲТдаги фаол позицияси мамлакатнинг сўнгги йиллардаги ҳайратланарли ривожланиш саъй-ҳаракатларининг бир қисмидир. Ўзбекистоннинг жаҳон ва минтақавий обрў-эътибори сезиларли даражада ошганидан, шунингдек, мамлакатнинг сўнгги иқтисодий ривожланишига гувоҳ бўлишдан, унинг истиқболли эканини кўришдан мамнунмиз.

Ушбу саммит минтақага таъсир этаётган муайян халқаро ўзгаришлар фонида ўтказилмоқда. Шу маънода, саммит ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш ва келгусидаги саъй-ҳаракатларни йўналтириш учун етакчиларимизни тўплайдиган халқаро форум сифатида юксак аҳамият касб этади. Саммитда ИҲТ фаолияти муҳокама қилинади ва савдо, энергетика, транспорт, атроф-муҳит, туризм, қишлоқ хўжалиги, саноат ва "яшил" ривожланишга оид устувор тармоқлардаги минтақавий ҳамкорликнинг ҳолати кўриб чиқилади.

Шунингдек, тадбир доирасида аъзо давлатлар раҳбарлари самарали икки томонлама ҳамкорлик учрашувлари ва конструктив мулоқамалар ўтказишларига ишонаман, бу ҳам минтақадаги тинчлик, фаровонлик ва барқарорликка катта ҳисса қўшади, деб умид қиламан.

***— Ўзбекистон 2022 йилда биринчи марта Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди. Мамлакатимизнинг ташкилотга раислиги даврида қайд этилган натижаларни қандай баҳолайсиз?***

— Кейинги йилларда Ўзбекистон минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ташкилот билан жуда фаол ҳамкорлик қилаётганини эътироф этиш лозим. Жорий йилнинг бошида, январь ойида Тошкентда барча аъзо мамлакатлар ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари иштирокида Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилиши бўлиб ўтгани аъзо давлатларнинг Ўзбекистонга юксак эътибор қаратаётганидан далолат.

2022 йилда, албатта, Ўзбекистон раислигида ИҲТ ўз олдига қўйган мақсадларни жадал суръатда амалга оширди. Ўзбекистон томонидан ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича бир қанча олий даражадаги ва вазирлар учрашувлари муваффақиятли ташкил этилди. Бу эса аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни, хусусан, транспорт ва алоқа соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтиришда жуда самарали натижалар берди.

➡2

**Эътироф**

## АҚШ МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

*АҚШ Меҳнат вазирлигида "2022 йилда болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича давлатларнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи" мавзуида брифинг бўлиб ўтди.*

Мамлакатимизда болалар меҳнатига барҳам бериш соҳасидагиислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётганини инобатга олиб, АҚШ Меҳнат вазирлиги ушбу тадбирга Ўзбекистон элчисини таклиф қилди. Дипломат ўз нутқида иштирокчиларга кейинги йилларда Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, янгиланган Конституцияда мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича киритилган нормалар, 2022 йилги пахта теримининг мустақил мониторинги натижалари ва мамлакатимизда болалар меҳнатига барҳам бериш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий дастурлар ҳақида батафсил маълумот берди.

АҚШ савдо вазирининг ўринбосари Теа Ли ўз маърузасида 2022 йилда 131 давлатдан фақат 4 та мамлакат, яъни Ўзбекистон, Аргентина, Колумбия ва Кот-д'Ивуарга "Significant Advancement" ("Сезиларли тараққиёт") мақоми берилганини таъкидлади.

АҚШ Меҳнат вазирлиги маълумотига кўра, мазкур баҳолаш мезонида болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқловчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги, шикоятларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни текширишнинг ижро ҳамда институционал механизмлари, шунингдек, болалар меҳнатининг энг оғир шаклларига жалб этилишининг олдини олиш бўйича ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва бу борадаги давлат сиёсатининг самарадорлиги ҳисобга олинади.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

**Форум**

## ЮРТИМИЗ БИЗНЕС СОҲАСИДА ЙИРИК ХАЛҚАРО МАЙДОНГА АЙЛАНДИ

*Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг XVI саммити арафасида иштирокчи давлатларнинг бизнес форуми ўтказилди. Унда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркиядан 300 дан ортиқ делегатлар ва 300 дан зиёд маҳаллий бизнес вакиллари қатнашди.*

Улар ИҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳолати, шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва фаоллаштириш истиқболларини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ва ИҲТ ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган кўплаб муҳим лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ИҲТ ҳамкорликда савдо-иқтисодий соҳада катта тажриба орттирди, бу эса узоқ муддатли самарали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз ҳар томонлама шерикликни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшган ҳолда, ИҲТ аъзо давлатлари билан муносабатларни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Маълумки, савдо-иқтисодий ривожланиш аъзо мамлакатларнинг ҳар томонлама интеграцияси учун жуда муҳим саналади. Шу боис минтақалараро савдони икки баробар ошириш орқали айни йўналишда дунё миқёсидаги улушни кўпайтириш мақсад қилинган.

➡2

**Мулоқот**

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган БМТ Бош котибининг ёрдамчиси, Кўкаламзорлаштириш ва ўрмонлар бўйича Глобал форум директори Джульетта Биао Куденукпо билан учрашди.*

Мулоқотда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, иқлим ўзгариши, маданият ва таълим йўналишларидаги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда БМТнинг Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорликда "яшил" иқтисодиёт, иқлим ўзгариши, савдони ривожлантириш каби йўналишларда қатор лойиҳалар йўлга қўйилган.

➡2

ИҲТ бош котиби Хусрав НОЗИРИЙ:

# Ўзбекистоннинг ИҲТдаги фаол позицияси мамлакатнинг сўнгги йиллардаги ҳайратланарли ривожланиш бўйича саъй-ҳаракатларининг бир қисмидир

1

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йил ИҲТ маконида "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилингани юқори баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўз раислиги даврида халқаро олим ва экспертлар иштирокида экологик ҳамкорлик бўйича "Юқори даражадаги мулоқот платформаси"ни ташкил этишга раҳбарлик қилди. Биз Ўзбекистоннинг ташкилотнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришдаги фаол позициясини, шунингдек, биологик хилмахиллик, ерларнинг деградацияси ва иқлим ўзгариши бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишдаги ташаббускорлигини юқори баҳолаймиз.

Ўзбекистон ўз раислиги даврида туризм соҳасида ҳам жуда фаол бўлди. 2022 йилда ИҲТ туризм вазирларининг IV йиғилиши Ўзбекистон томонидан самарали ташкил этилди. Бундан ташқари, 2022 йилда Озарбайжон, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистондан 242 туроператор ва сайёҳлик агентликларини бирлаштирган ИҲТ Туроператорлари тармоғи ташкил этилди. Ўзбекистон ўзининг буюк тарихий ва табиий неъматлари билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис биз Ўзбекистонни Шаҳрисабз шаҳри "2024 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти" этиб танлангани билан табриклаймиз.

***— ИҲТнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт ва логистика, шунингдек, туризм соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ушбу соҳаларда кейинги йилларда эришилган қайси натижаларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?***

— Савдо соҳасида ИҲТ, биринчи навбатда, имтиёзли савдо тизими орқали савдони эркинлаштириш, осонлаштириш ва устуворликларимиз асосида рағбатлантиришни кўзда тутади. Асосан, экспортга йўналтирилган сиёсатни ўз ичига олган бизнинг ёндашувимиз минтақага савдо оқимларини жалб қилиш ва кўпайтириш, бизнес юритиш харажатлари ва вақтини қисқартириш, минтақанинг жаҳон бозоридаги улушини ошириш ва якуний мақсад ИҲТ минтақасининг савдо профилини оширишга қаратилган.

Биз энергетика соҳасида барқарор ва самарали энергия манбаларига ўтиш муқаррар эканлигини тан оламиз. Шу нуқтаи назардан, Бокуда ИҲТ "Тоза" энергия марказининг очилиши муҳим қадам бўлди. Ушбу марказ энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва минтақадаги фаолиятни кучайтиради. Энергетика соҳасида яна бир энг муҳим лойиҳа ИҲТ минтақавий электр энергияси бозорини ташкил этишдир. Бу минтақадаги илғор ва интеграциялашган электр энергияси бозори ва инфратузилмасига олиб келадиган тегишли энергия савдоси учун минтақавий "соябон" яратишга қаратилган. Биз уни эрта ишга тушириш учун Энергия хартияси ҳамда БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (UNESCAP) билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Ўзаро боғлиқлик контекстида биз денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатларни кучли ички минтақавий ва минтақалараро алоқаларга эга бўлишига ёрдам беришга интиламиз. Шу мақсадда глобал ҳамкорларимиз, энг муҳими, БМТнинг тегишли агентликлари билан шерикликни давом эттиряпмиз. Ўзаро боғлиқлик борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, жумладан, минтақанинг шарқий қисмида ИҲТ ҳаво марказини очиш, турли йўлакларни, жумладан, Транскаспий ва Олмаота — Теҳрон — Истанбул йўлакларини ривожлантириш, шунингдек, Исломобод — Теҳрон — Истанбул йўналишини кенгайтиришдан иборат. Болгарияга темир йўл коридори — бу ИҲТнинг Жанубий Осиёни темир йўл орқали Европа билан боғлайдиган илк ташаббусидир.

Туризм, озиқ-овқат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, ИҲТ туризм бўйича ҳаракатлар режаси ва ИҲТ туризм пойтахтларининг муваффақиятли концепцияси, Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ИҲТ минтақавий дастури, ИҲТнинг Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича минтақавий мувофиқлаштириш маркази дастурга асосланган ташкилотдан ўзини ўзи таъминлайдиган институтга айлантирилиши ва халқаро олим ҳамда экспертлар иштирокида ИҲТда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик юзасидан юқори даражадаги мулоқот платформаси шакллантирилди.

***— Транспорт ва логистика ИҲТ доирасида устувор соҳага айланиб бормоқда. Келинг, бу борадаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақида гаплашсак.***




— Ўзаро боғлиқлик ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, биз минтақада консолидациялашган транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга эътиборимизни қаратдик. Ташкилот низомини ишлаб чиқиш, қонунчилик базасини яратиш, халқаро стандарт тартиб ва конвенцияларини амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш, салоҳиятни ошириш, техник ҳамкорлик, мувофиқлаштириш механизми ҳамда тегишли халқаро ҳамкорлар ва банклар билан муносабатларни ўз ичига олган яхлит ёндашувни қабул қилди.

Шу нуқтаи назардан, 2022 йилнинг ИҲТ маконида "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили", 2023 йилнинг эса "Яшил" ўтиш ва ўзаро боғлиқлик йили" деб эълон қилиниши минтақада транспорт тизимини ривожлантириш муҳимлигини янада яққол кўрсатади. Дарҳақиқат, транспорт ва логистика соҳаси бугунги кунда минтақавий ҳамкорлик кун тартибимизнинг энг муҳим соҳасидир.

Мақсадларимизни амалга оширишда 2-3 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида транспорт вазирларининг 12-йиғилиши бўлиб ўтди, унда минтақавий алоқаларни кенгайтириш бўйича масалалар юзасидан умумий тушунча ва келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш истаги пайдо бўлди.

Хусусан, ИҲТ транзит транспорт бўйича асосий келишув ташкилот доирасида транспорт алоқаларини кенгайтириш сиёсатининг максимал таркибий қисмларини қамраб олувчи ўзаро боғлиқлик борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ушбу келишув Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва техник қўмиталар орқали аъзо давлатлар ўртасидаги алоқа бўйича ҳамкорликни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга интилади.

Биз, шунингдек, БМТ Европа иқтисодий комиссияси билан Транскаспий ва Олмаота — Теҳрон — Истанбул йўлаклари бўйича мувофиқлаштириш қўмитаси доирасида ҳам ҳамкорлик қиламиз.

Транспорт ва уланиш соҳасидаги бошқа муҳим тадбирлар сифатида иккита муҳим янги йўлакни, яъни Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон ва Тожикистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия коридорларини ташкил этиш ва яна қатор тадбирларни санаб ўтиш мумкин.

***— Ўзбекистоннинг ИҲТдаги ролини қандай баҳолайсиз?***

— Юқорида айтиб ўтганимдек, Ўзбекистон ИҲТ доирасида жуда муҳим давлатдир. Ташкилотга аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг 2022 йилда раислиги даврида ИҲТнинг минтақадаги ўзаро тараққиёт ва фаровонлик кун тартибидаги таҳсинга лойиқ роли ва мукаммал бошқарувини муносиб равишда эътироф этади.

Ўзбекистоннинг географик ўрни Марказий Осиёни боғловчи нуқта сифатида унга минтақани боғлашда жуда муҳим роль ўйнаши ва атрофдаги мамлакатлар тараққиётига ҳисса қўшиши учун муҳим имконият яратади.

Ўзбекистоннинг ИҲТдаги ўрни ортиб бораётгани, айниқса, раислик йилларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жараёнини олға суриш ва қўллаб-қувватлашда, айниқса, муҳим бўлди. Ташкилот Ўзбекистоннинг ИҲТ фаолиятидаги роли ортиб бораётганини, бу тузилманинг ўсиши ва ривожланишига жуда катта ҳисса қўшганини мамнуният билан қайд этади.

Хусусан, ИҲТ фаолияти 2022 йилда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мавзуига мувофиқ минтақада боғлиқлик мақсадларини имкон қадар амалга оширишга қаратилган эди. Шу муносабат билан ИҲТ котибияти минтақавий боғлиқликларга бевосита ҳисса қўшадиган янги ташаббусларга устувор аҳамият қаратди. Булар Тожикистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия мультимодал коридори ва Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия йўлаклари бўлиб, минтақадаги транспорт алоқаларининг ривожланишига ҳисса қўшади.

Ҳаво алоқаси ҳам мамлакатлар ва минтақамиз иқтисодий ўсишига катта ҳисса қўшганлиги сабабли, ташкилот Марказий Осиёдаги ИҲТ минтақавий маркази концепциясини ҳам ишлаб чиқди. Умид қиламанки, бундай ҳаво хабини ташкил этишга бўлган қизиқиш ортиб боради ва тўғри кўриб чиқилади.

Биз Ўзбекистоннинг барча устувор жабҳада минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича умумий ишимизга қўшаётган ҳиссасидан жуда хурсандмиз.

**«Дунё» АА.**

Учрашув



# КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИК ВА ПАРЛАМЕНТЛАР ИМКОНИЯТЛАРИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Япониянинг янги тайинланган Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Такаши Хатори билан учрашди.*

Унда икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва юксак даражадаги дипломатик муносабатлар, турли соҳа ва тармоқлардаги самарали алоқаларга катта эътибор қаратилди.

Хусусан, элчи Т. Хатори Ўзбекистон кейинги йилларда ташқи сиёсатда фаоллик кўрсатиб, қўшни давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш орқали Марказий Осиёда тинчлик муҳити янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар ривожида янги даврни бошлаб бергани ҳам алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда парламентлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда савдо, сармоявий ва саноат кооперациясини кенгайтириш устувор йўналиш ҳисобланади. Охирги 6 йилда япон капитали иштирокидаги корхоналар сони 8 баравар ошди. Япониянинг "Мицубиши", "Марубени", "Ицузу" ва бошқа компаниялари ҳамда "JICA" халқаро ҳамкорлик агентлиги иштирокида саноат, табиий ресурслар ва таълим соҳаларидаги лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётир.

Учрашувда икки давлат салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишидаги янги лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, икки мамлакат ёш тадбиркорлари форумини ўтказиш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, парламент дипломатияси масаласига эътибор қаратилди. Мазкур йўналишдаги мулоқотлар Ўзбекистон — Япония муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши эътироф этилиб, икки томонлама алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, кўп қиррали шерикликни ривожлантиришда парламентлар имкониятларидан самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида юқори даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламентлар салоҳиятини ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўз навбатида, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, айниқса, таълим йўналишида қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар бундан буён ҳам Ўзбекистон ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатни ишга солишга тайёр эканликларини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ЮРТИМИЗ БИЗНЕС СОҲАСИДА ЙИРИК ХАЛҚАРО МАЙДОНГА АЙЛАНДИ

1

Мазкур анжуман савдо сиёсатини либераллаштириш ва уйғунлаштириш, бизнес юритиш учун харажатни камайтириш, молия инфратузилмаси ва институционал салоҳиятни ривожлантириш, савдо тартиб-тамойилини соддалаштиришга хизмат қиладиган йирик ташаббуслар майдонига айланиши кутиляпти.

Тадбирни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби ўринбосари Кашиф Замин кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида ишбилармон доираларнинг ўзаро манфаатли шерикликни йўлга қўйишга қаратилган интилишларига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбари Даврон Ваҳобов ўз сўзида форумнинг аҳамиятига тўхталар экан, ушбу тадбир Ўзбекистон вилоятлари ва соҳаларининг салоҳиятини намойиш этиш, ИҲТга аъзо мамлакатлар компанияларини Ўзбекистондаги янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, Ўзбекистон ва ИҲТ аъзо давлатлари Савдо-саноат палаталари ўртасида институционал алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалари сезиларли даражада фаоллашган. 2021 йил юртимизнинг тузилма таркибидаги мамлакатлар билан товар айланмаси 35,1 фоиз ўсиб, 11,2 миллиард долларга етган. 2022 йил кўтарилиш тенденцияси давом этди ва маҳсулот айирбошлаш кўрсаткичи 10,4 фоиз ўсиб, 12,4 миллиард долларни ташкил қилди. Республика ташқи савдосида ИҲТ улуши 24,7 фоиз. Эътиборли жиҳати, 5,75 миллиард долларлик экспорт ҳажми 2021 йилдагига нисбатан 6,3 фоиз юқори. Ўтган йилдаги умумий экспортнинг қарийб учдан бир қисми ИҲТ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди. Юртимизнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси 1,13 триллион доллардан ошди.

Жорий йилнинг 9 ойи кўрсаткичини кузатсак, ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайганига гувоҳ бўламиз. Яна рақамларга мурожаат қиламиз: ҳисобот даврида ИҲТ доирасида товар айланмаси 9,2 миллиард долларни, аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистон умумий товар айланмасидаги улуши 20,5 фоизни ташкил этди.

Иштирокчилар бу каби тадбирлар ИҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги конструктив ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланишига, юксалиш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга ҳамда алоқаларни янада ривожлантириш орқали дунёда дўстлик ва биродарликнинг муносиб намунасини яратишга имкон беришини таъкидлади.

Бизнес форумида саноат кластерларини ҳамкорликда ривожлантириш, саноат занжирини шакллантириш, ёнилғи-энергетика соҳасида йирик лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, транспорт саноатидаги ҳамкорлик, агросаноат тармоғида кичик ва ўрта бизнес вакилларининг алоқаларини кенгайтириш, замонавий ахборот технологиялари ва савдо-иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Форум доирасида аралаш форматда икки томонлама учрашувлар ташкил этилиб, улар давомида ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати, савдо ва бошқа соҳалардаги ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш учун галдаги амалий ишлар белгилаб олинди.

## Сўз — форум иштирокчиларига

**Иброҳим БУРКАЙ,
Туркия савдо палаталари ва товар биржалари уюшмаси бошқаруви аъзоси:**



— Дунёда давом этаётган мураккаб пандемия ва глобал иқтисодий инқироз оқибатлари, турли нотинчликлар ва зиддиятлар фонида юзага келаётган озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши муаммолари инсон тақдири ҳақида жиддий бош қотиришни кун тартибига долзарб масала қилиб қўяётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бугунги форум нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи хорижий компаниялар ва таниқли экспертлар иштирокида бу борадаги илғор тажрибаларни муҳокама қилиш ҳамда биргаликда умумий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун қулай имконият бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман. Негаки, ИҲТнинг ҳозирги кундаги мақсадлари аниқ, прагматик ва шаффофдир, улар савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, минтақалар ўртасидаги савдони ривожлантириш ва тузилмага аъзо мамлакатлар товарларини глобал бозорларга олиб чиқишга йўналтирилган.

Қайд этиш керакки, ИҲТга аъзо мамлакатлар бизнес форумининг уюштирилиши Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда савдо ва инвестиция имкониятини ривожлантириш йўлларини муҳокама қилиш учун майдон яратади. Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтисодий салоҳияти бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланишини айтмоқчиман. Биз, турклар учун Ўзбекистон ота юртдир. Самарқанд, Бухоро ва Хива — туркий дунёнинг муҳим шаҳарлари. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар эса сармоя киритиш учун Ўзбекистонни жозибадор мамлакатга айлантирмоқда. ИҲТ доирасидаги умумий 500 миллион кишилик бозор, шунингдек, мавжуд маҳсулот ва хизмат хилмахиллиги тадбиркорларимиз учун нодир имконият.

Кейинги йилларда мамлакатларимиз муносабатида намоён бўлган ўзига хос хусусиятлардан бири алоқаларнинг диверсификациялаштирилганидир. Биз ушбу юқори даражадаги тадбир имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, унинг кун тартибини истиқболли ва юқори самарали келишув ҳамда битимлар билан бойитишга бел боғлаганмиз. Бу мақсадга эришиш учун, айниқса, ўзбекистонлик дўстларимиз билан яқиндан ҳамкорлик қилишни режалаштирганмиз. Ташкил этилган бизнес форуми ана шу мақсадлар сари етаклайди.

**Жумахонзода Жамшед ЖЎРАХОН,
Тожикистон Савдо-саноат палатаси раиси:**



— Ўзбекистон — биз учун Марказий Осиёдаги асосий, ишончли ва истиқболли ҳамкор. Мамлакатлар ўртасида тобора ривожланиб бораётган савдо алоқалари дўстона муносабатларимизнинг локомотивига айланди. Тожикистон Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Форумнинг ўтказилиши минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва жаҳон бозорида Марказий Осиё брендларини яратиш муҳимлигининг яна бир исботи. Форум давомида идоралар, тармоқ бирлашмалари, тадбиркорлар, банклар вакиллари ўзаро учрашувлар ўтказди. Уларда ҳамкорлик салоҳияти атрофлича очиб берилди ва амалга оширишга мўлжалланган тайёр истиқболли лойиҳалар таклиф этилди. Шунингдек, тадбир давомида бўлиб ўтган "B2B" ва "G2B" музокаралари чоғида ўзаро ҳамкорликнинг молиявий-техник жиҳатлари ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ИҲТ томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари муҳокама қилинди. Ушбу форум мамлакатларимизнинг бизнес вакиллари ўртасида алоқаларни ўрнатишда улкан аҳамият касб этади.

Тожикистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмасининг ўсиш тенденцияси 2023 йилнинг 9 ойи давомида 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошди. Тадбир якунида делегациялар раҳбарлари ИҲТ иштирокчи давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кучайтириш, мустаҳкам ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, қўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга содиқликларини билдирганликлари эришилган муҳим келишувлардан бўлди, дейиш мумкин.

**Амжад РАФИ,
Покистон савдо палаталари Федерацияси вице-президенти:**



— Ўзбекистон бугунги шароитда ИҲТ қандай бўлиши керак, деган саволга концептуал ёндашувини мамлакат томонидан ташкилотга раислиги давомида савдо-сотиқ, саноат ва технологик кооперацияни ривожлантириш, иқтисодий ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш, инновация, рақамли трансформация ва "яшил" иқтисодиётни устувор йўналишлар сифатида белгилаш каби ташаббусларни илгари суриш билан намоён этди.

Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий даражадаги саммитларга мезбонлиги кенг кўламдаги ҳамкорликни сезиларли даражада кенгайтирмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи бизнес форуми ҳам минтақавий ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши билан ажралиб туради. Зеро, 2022 йил Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "ИҲТда ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилингани бежиз эмас, албатта. Мазкур қарор ташкилот доирасидаги ҳамкорликка янгича суръат бахш этди. Ўзига хос тарих, маданиятга эга минтақамиз айни пайт янада жипслашиб, интеграциялашмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклиф ва ташаббуслари жуда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, Тошкентда ўтган бизнес форуми ИҲТга аъзо давлатлардаги инвестициявий муҳит ҳақида батафсил маълумот улашиш, ишбилармонларнинг учрашувларини тез-тез ташкил этишга келишиб олишда муҳим платформа бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

1

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг "Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракатларни кузатиш ва техник ёрдам кўрсатиш бўйича интеграциялашган ва кенгайтирилган шаффофлик тизимини яратиш салоҳиятини ошириш" лойиҳаси ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Учрашувда иқлим ўзгаришига қарши курашда унинг болалар, ёшлар ва аёлларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш, бунда "яшил" таълимни ривожлантириш ҳамда зарур таълим ресурсларини яратиш, иқлим ўзгаришига қарши курашишда болалар, ёшлар ва аёлларнинг саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Маълумки, айни пайтда Марказий Осиё глобал иқлим ўзгаришларини бошдан кечирмоқда. Орол денгизи қуриши минтақада комплекс экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Шу нуқтаи назардан, учрашувда БМТ ва унинг ихтисослаштирилган идораларининг фаол иштирокида "яшил" технологияларни ҳаётга кенг жорий этиш ҳамда замонавий иқлим технологияларини жалб қилиш бўйича янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Конструктив ва амалий руҳда кечган мулоқотда алоқаларни тизимли давом эттириш, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда ҳамкорликдаги лойиҳалар кўламини кенгайтиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Ижтимоий ҳимоя

# КЎМАККА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИ ДОИМ ЭЪТИБОРДА

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгашига бугунги кунда жами 1157 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган қарийб 630 минг нафар ходим аъзо. Кенгаш томонидан ушбу ходимларнинг меҳнатга оид ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келиняпти.*

Уюшмага аъзо корхона ва ташкилотлардаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан ҳам ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун шарт-шароитлар яратиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг саёҳатларини ташкил этиш, уларга моддий кўмак кўрсатиш борасида қатор чоралар кўриляпти.

Хусусан, жорий йилнинг май ойида Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими бошланғич касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Китоб туманидаги Макрид, Касби туманидаги Ғалаба ҳамда Ғузор туманидаги Батош маҳаллаларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг Бухоро шаҳрига саёҳати уюштирилди.

— Бу саёҳатдан жуда катта таассурот олдим, — дейди Ғузор туманининг Батош маҳалласида яшовчи Маржона Қодирова. — Биз Бухородаги кўплаб тарихий обидалар билан танишдик. Улар ҳақида аввал китобларда ўқиган бўлсак, энди ўз кўзимиз билан кўриш имконига эга бўлдик. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Саёҳат ёрқин таассуротларга бой ўтди. Ёшлар кўҳна ва навқирон шаҳарнинг тарихий мажмуалари, бебаҳо ёдгорликлари хусусида кенг маълумот ва аниқ тасаввурга эга бўлишди.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.*

*Қонун лойиҳаси янги таҳрирдаги Конституциямиз, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, "ижтимоий давлат" тамойиллари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, лойиҳада Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил учун Давлат бюджетининг асосий йўналишлари ҳамда тармоқ ва ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар инобатга олинган. Яъни, бюджет барқарорлигини таъминлаш, унинг даромадларини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бюджет интизомини кучайтириш ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари бюджетни шакллантиришда бош мезон бўлиши зарурлигига урғу берилган.*

Депутатлар қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида инсон капитали ривожланишига доир харажатлар устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини кучайтиришга оид дастурларни молиялаштириш, биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратилган маблағлар, "Ташаббусли бюджет" жараёнларини молиялаштириш учун ажратилаётган маблағларнинг мақсадлилиги ва асослантирилганлигига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда геосиёсий ноаниқликлар ва уларнинг глобал иқтисодий ўсишга салбий таъсири кучайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкор давлатларида иқтисодий ўсиш суръати секинлашиши кузатилаётган бир пайтда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатлари, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари прогнози ва харажатлари, Республика бюджетининг, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари прогнози ва харажатлари, айрим тўловлар ставкалари, бюджет даромадларини шакллантиришнинг, давлат харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари кўзда тутилган.

2024 йилда Давлат бюджети даромадлари 270,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2023 йил учун тасдиқланган режага нисбатан 37,5 трлн. сўмга ошиши кутилмоқда. Келгуси йилда қулай тадбиркорлик муҳитини сақлаш мақсадида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, юридик шахслар мол-мулк солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилмоқда. Қўшилган қиймат солиғи занжирини тиклашга қаратилган чоралар ҳамда айрим солиқ имтиёзларини бекор қилиш орқали барча тадбиркорлар учун тенг шароитлар яратилади.

Қайд этилганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу боис 2024 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда бу соҳаларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Хусусан, келгуси йил инсон капиталини ривожлантириш учун 104,7 триллион сўм йўналтириш мўлжалланмоқда. Ажратилган ушбу маблағ умумий бюджет харажатларининг 33 фоизини ташкил этади. Мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 4,1 трлн. сўм ажратилиши белгиланмоқда. Қонун лойиҳаси билан олийгоҳлар учун келгуси йил бюджетидан 3,9 трлн. сўм, таълим кредити учун 2,2 трлн. сўм ажратилади.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси учун 2024 йилда дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар учун жорий ва давлат дастурларида назарда тутилган харажатлар билан биргаликда 3,8 трлн. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида янги ташкил этилган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағларини шакллантириш учун 530 млрд. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Ушбу маблағлар тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш, иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа тадбирлар учун йўналтирилади.

Бундан ташқари, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш бўйича "Маҳалла бюджети" лойиҳасини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур мақсад учун 426 млрд. сўм маблағ ажратилиб, бунда мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи маҳаллаларга йўналтирилади. Бу маблағлар маҳаллада аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга сарфланади.

Мажлисда таъкидланганидек, минтақамизда сув муаммоси кун сайин долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис келгуси йилдан ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш, суғориш каналларини бетонлашга 1,7 триллион сўм маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида Ҳукумат вакиллари олдига қатор саволлар қўйди. Хусусан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқароларимизга, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой сотиб олишда ажратилаётган субсидиялар амалиётда самара бермаётгани, таълим соҳасида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ишига адолатли баҳо бериш, уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилмаганлиги юзасидан саволлар берилди.

Шунингдек, фуқаролар фойдасига компенсация тўловларини амалга оширишда суд қарорлари ижросининг тўлиқ



таъминланмаётгани, автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш, яъни 10 тоннадан ортиқ юк ташувчи транспортлар учун йўл йиғимлари миқдорини белгилашда оғирликка қараб дифференциация қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида қандли диабет ва диабетолди белгиларини аниқлаш бўйича скрининг ўтказиш харажатларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини билдирди.

Муҳокамаларда депутатлар даромадларни ошириш, солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган чоралар ҳамда келгуси йилда кўзда тутилган бюджет маблағларидан фойдаланишда самарадорлик ва натижадорликни ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар беришди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа соҳалар бўйича депутатлар томонидан кўтарилган масалаларга ойдинлик киритилди. Хусусан, асосли таклифлар бюджет тизимини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинадиган бўлди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фикрлари асосида, "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Масъул қўмитага қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида ҳужжатни мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиб, маромига етказиш топширилди.

## Сўз — фракциялар раҳбарларига

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:**



— Фикримизча, бюджет лойиҳасида таклиф этилаётган солиқ ва божхона сиёсати тўғри танланган. Асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилиб, солиқ базасини кенгайтириш ва маъмурчиликни такомиллаштириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга қаратилган.

Амалдаги солиқ имтиёзларини ва преференцияларни бекор қилиш сиёсати эса тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тенг шароитларни яратишга ва ҳақиқий бозор муҳитининг шаклланишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Буни тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда инвестициявий фаолликни таъминловчи сиёсатнинг давоми сифатида баҳолаймиз.

Ижтимоий харажатлар билан бир қаторда бюджет лойиҳасида сув хўжалиги эксплуатациясига, энергетика соҳасини ривожлантиришга, муқобил энергия манбаларини кенгайтиришга ва давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилган. Шунингдек, паст қувватда ишлаётган корхоналарга кўмак берилиб, уларни тўлиқ қувватга чиқариш чоралари кўрилади. Хусусан, келгуси йилда марказлашган инвестиция ҳисобидан 1,7 триллион сўмлик сув инфратузилмаси лойиҳалари амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигида "катта сакраш"га фақат илм орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди. Бу борада ер сифати, нав ва агротехнологияга замонавий илмий ютуқларни кенг татбиқ этишга эътибор қаратилади.

ЎзЛиДеП фракцияси "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ҳукумат эътиборини қуйидаги асосий масалаларга қаратиши лозим, деб ҳисоблайди:

**биринчидан**, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини, ҳудудларнинг иқтисодий ўсиш нуқталари бўлган соҳаларни қўллаб-қувватлашни молиялаштиришни тўлиқ ва муддатли амалга ошириш зарур;

**иккинчидан**, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг самарали ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш керак;

**учинчидан**, партия электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар, кластерлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис бюджет ресурсларининг ўз вақтида ажратилиши орқали уларни қўллаб-қувватлаш, қонунчиликда белгиланган субсидияларнинг ажратилиши алоҳида назоратга олиниши лозим, деб ўйлаймиз.

**Алишер ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбари:**



— Қанчалар қийин бўлмасин, 2024 йилнинг бюджетида таълим-тарбия соҳасини молиялаштиришга етарли маблағ ажратилмоқда. Дарсликларни янгилаш, мактабларни реконструкция қилиш, янги мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари қуриш учун инвестицияларнинг сезиларли ортгани фикримизнинг исботи.

Ҳозирги вақтда харажатларни тўғри белгилаш билан бир қаторда уларнинг максимал самарали ишлатилиши ҳақида кўпроқ ўйлашимиз керак. Бу борада қатор масалаларга эътибор қаратмоқчимиз.

**Биринчидан**, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги жорий харажатларининг 30 триллионга яқин қисмини ўқитувчиларга тўланадиган маош ташкил қилмоқда. Соҳада 500 мингга яқин ўқитувчилар ишлайди. Биздаги таҳлилларга кўра, 15 — 20 фоиз ортиқчалик бор. Лекин бу асосий масала эмас. Болаларни яхши ўқитаётган ўқитувчига катта маош тўланиши жуда тўғри, лекин ўқитмаётганига-чи? Ўтган йили олий таълим муассасаларига имтиҳонларда жуда паст натижа кўрсатган 60 фоизга яқин абитуриентларни қайси мактаблардаги қайси ўқитувчилар ўқитган?

Сертификатлар ва тоифалар ҳақиқий даражани кўрсатмаяпти, ўзимизни алдамаслигимиз керак. Юқори тоифали, аммо бугуннинг талабларига тўғри келмайдиган ўқитувчилар кам эмас. Ва тан олиш керак, бу уларнинг айби эмас, улар тафаккури бутунлай ўзгариб кетган бугунги мактаб ўқувчилари билан ишлашга кўп жиҳатдан тайёр эмаслар, деб ўйлайман. Ўйланг, ўқитувчи конспект ёзиб, бир ҳафта тайёрлаган маълумотини бола бир сонияда интернетдан олиб бўляпти.

Шу жиҳатдан, замонавий педагогларни тайёрлаш ишларини тезлатиш билан бир қаторда, инсон омили аралашмайдиган, яхши ўқитувчини ҳам, соҳада тасодифан юрганларни ҳам аниқ кўрсатиб берадиган видео-визуал назорат баҳолаш тизими таълим-тарбияга йўналтирилаётган инвестициялар самарасини таъминлайди.

**Иккинчидан**, "Эл-юрт умиди" жамғармасига ажратмаларнинг салкам 3 баробарга ортаётгани айни ижобий ҳолат. Биз бу қарорни олқишлаймиз. Фақат хорижда таълим олиш учун, асосан, магистрантлар ва докторантлар танланиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бакалавриат учун фақат топ 50 олийгоҳларига кирганларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Хорижда бакалавриат нафақат серхаражат, балки ёшларимизнинг тарбияси нуқтаи назаридан ҳам акс таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олишимиз керак.

**Учинчидан**, Солиқ кодексининг 243-моддасида соғломлаштириш, жисмоний-тарбия ва спортга доир хизматлар кўрсатишга ҚҚС жорий қилинган. Агар бу ишни бюджет ташкилоти амалга оширса, солиқдан озод қилинади. Яъни мантиқан бюджет ташкилотлари шуғулланмайдиган ишга имтиёз бериб, хусусий бизнесни рағбатлантиришни истамаяпмиз. Лекин мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш дастурлари учун 1,5 триллиондан ортиқ маблағ кўзда тутилмоқда. Аҳолини жисмоний тарбия ва спорт орқали соғломлаштириш хизматини солиққа тортиб, даволаш учун триллионлаб пул ишлатишимиз керакми?

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари:**



— Қонун лойиҳасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга, ҳудудий бошқарув органларининг бюджетни ишлаб чиқиш, маблағларни тасарруф этишдаги роли ва мустақиллигини оширишга катта эътибор қаратилгани билан аҳамиятли.

Бинобарин, унда ижтимоий соҳага, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига келгуси йилда ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, таълим соҳасига 69 трлн. 100 млрд. сўм ажратиш белгиланмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 21 фоизга ошган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимига 33 трлн. 400 млрд. сўм, яъни ўтган йилдагига нисбатан 20 фоизга кўп маблағ ажратиш назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, сифатли таълимни таъминлашга ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга имкон яратади.

Фракциямиз аъзолари қонун лойиҳаси бўйича қуйидагиларни таклиф этади:

**биринчидан**, тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағларни сарфлашда республиканинг чекка, бориш қийин бўлган ҳар бир қишлоқ ҳудудида, аҳоли сонидан қатъи назар, алоҳида тиббиёт муассасаси фаолиятини ташкил қилиш ишларини якунлаш лозим;

**иккинчидан**, лойиҳада бюджетдан ташқари жамғармаларга маблағлар ўтган йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўп ажратилганини ижобий баҳолаган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича Республика мақсадли жамғармасига 2024 йилда 500 млрд. сўм ажратилиши белгиланган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 16 млрд. 600 млн. сўмга кам ажратилган. Шуни ҳисобга олиб, ҳудудлардан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарлар бўйича эҳтиёжларни аниқлаб, заруратга қараб, маблағларни ажратиш мақсадга мувофиқ;

**учинчидан**, лойиҳада, таркибида кўп миқдорда шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи энергетик ичимликлар учун ички ишлаб чиқариш ва импортига ҳам акциз солиғи миқдорини литрига 500 сўм қилиб белгиланган. Ушбу миқдорнинг камлигини ҳисобга олиб қайтадан кўриб чиқишни таклиф этамиз.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:**



— 2024 йилги Давлат бюджети лойиҳасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида акс этмоқда.

Шунингдек, ижтимоий соҳага яна бир қатор муҳим харажатлар режалаштирилган. Хусусан, кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамлар тўлаш учун 10 трлн. сўмдан ортиқ, ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оналарга нафақалар тўлаш учун 3,6 трлн. сўмдан кўп, меҳнатга лаёқатсиз ва зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар учун эса 2,5 трлн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бюджет лойиҳасига фракциямизнинг 40 ёшдан ошган аҳолининг қандли диабет касаллигини эрта босқичда аниқлашда скрининг текширувидан ўтказиш бўйича қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида билдирган таклифи инобатга олиниб, 14 млрд. қўшимча маблағ кўзда тутилишига эришилди.

Ушбу харажатлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятимизда барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат бюджетини режалаштиришга доир бундай стратегик ёндашув ХДПнинг дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларига ҳар томонлама мос келади.

Ўз навбатида, фракциямиз яна қатор масалаларга эътибор қаратишни лозим, деб ҳисоблайди.

**Биринчидан**, бюджет соҳасида ўтказилган назорат тадбирлари давомида камомад ва молиявий хатоликлар йилдан-йилга кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса вазирлик ва идораларнинг ички назорат тизими етарли даражада иш олиб бормаётганидан далолат бермоқда.

**Иккинчидан**, Давлат бюджети лойиҳасидаги аксарият маблағлар бевосита фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш учун йўналтириш режалаштирилган. Мазкур маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши мамлакатимизнинг ижтимоий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатишини инобатга олиб, Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги Қонунчилик палатасининг қарорида бюджет ижросини таъминлаш йўналишида ижро ҳокимияти ва депутатлик корпусининг олдига аниқ вазифалар белгилаб бериш лозим. Бунда Давлат бюджетида кўзда тутилган ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли бўлиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳамда мазкур йўналишда ижро ҳокимияти билан ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, Давлат бюджетини шакллантириш жараёнида, аввало, мавжуд ресурсларни инобатга олиб, талаб ва таклифдан келиб чиқиш лозим. Чунки куни кеча бўлиб ўтган фракция йиғилишида бюджет лойиҳаси билан бир қаторда давлат дастурининг ҳисоботи ҳам кўриб чиқилганда, дастурга киритилган айрим вазифаларнинг ресурс етишмаслиги сабабли ижроси таъминланмай қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Давлат бюджети лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда барча жиҳатларни эътиборга олиш лозим.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экологик партия фракцияси раҳбари:**



— Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсоният глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ экологик муаммолар авж олаётган қалтис бир даврда яшамоқда. Иқлим ўзгаришлари мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Давлатимиз раҳбарининг нуфузли минбарлардан туриб, иқлим ўзгаришларига мослашиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш учун илгари сураётган конструктив таклифлари дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

2024 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида ҳам барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш учун бюджетдан ажратилаётган маблағларга фракциямиз аъзолари алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, бюджет лойиҳасида иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашишдаги муҳим йўналиш ҳисобланган "яшил" иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислоҳотлар доирасида қатор лойиҳаларнинг жорий этилиши бу борада молиявий ҳужжатнинг аҳамиятидан далолат беради. Ўзбекистонда бюджетни "яшил" маркировкалаш, Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш лойиҳалари шулар жумласидан.

Шунингдек, сув хўжалиги соҳаси ташкилотларини сақлаш ва дастурларини амалга ошириш учун жами 9,2 трлн. сўм маблағ ажратилиши кутилмоқда. Ёки аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 1 трлн. 260 млрд. сўм ажратилмоқда.

Қонун лойиҳасида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларни амалга ошириш учун ҳам ажратилаётган маблағлар эътиборга моликдир.

Шу билан бирга, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланганини инобатга олган ҳолда, томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларини қоплашга ажратилаётган маблағларни қайта кўриб чиқиш, шунингдек, санитар тозалаш ишлари билан боғлиқ харажатларга ажратилаётган маблаққа аниқлик киритиш таклиф этилади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**
**Парламент ахборот маркази.**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Аввал хабар берилганидек, мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги доирасида Олий Мажлис Сенати қўмиталарида соҳа ва тармоқларга тааллуқли масалалар кенг муҳокамадан ўтказилмоқда.*

## Семинар

Жумладан, кеча Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари билан ҳамкорликда "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш" мавзуида семинар ташкил этилди.

Тадбирда хорижий ва маҳаллий экспертлар, халқаро ташкилотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари, Ёшлар парламенти аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни, жумладан, гўдакларни мувозанатли ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, шунингдек, 2030 йилга бориб 5 ёшгача бўлган болаларда бўй ва вазннинг секин ўсишига олиб келадиган тўйиб овқатланмасликнинг барча кўринишига барҳам бериш бўйича олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ўсмир қизлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳамда кексаларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари қай даражада қондирилаётгани, шунингдек, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача унумдорлигини ҳамда маҳсулот етиштирувчилар даромадини кўпайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани бўйича тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг маърузалари тингланди.

Барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизим ва усулларини кенг жорий этиш, соҳа салоҳиятини янада ошириш, илмий тадқиқотлар ва замонавий технологияларни изчил ривожлантириш ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳисобига инвестициялар киритишни кўпайтириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш, жумладан, ҳосилдорлик пасайиши, сув танқислигининг ошиши, ерларнинг деградацияси ва касалланишининг олдини олиш ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистон учун ички хавф, асосан, аҳолининг юқори даражада ўсиши билан боғлиқ экани ҳам айтилди. Масалан, сўнгги 30 йил ичида аҳоли сони 15 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 36 миллиондан ошди. Прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб юртимиз аҳолиси 40 миллион кишига етади ва бу Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг деярли ярми деганидир.

Қолаверса, сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, иқлим ўзгариши ҳисобига камайиши уни самарали бошқариш, тежамкор технологияларни жорий этиш ва қўшимча манбаларни топиш бўйича чоралар кўришни талаб қилади. Ер деградацияси ва чўлланиш тенденциялари қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ва экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши ҳам шубҳасиз.

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистон кейинги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг юқори натижага эришган 10 та давлат орасида юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Буни полиз экинлари, картошка, сабзавот, узум, мева, резаворлар ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада ошгани мисолида кўриш мумкин. Ер муносабатлари соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этаётир. Яъни 200 минг гектар экин майдонлари деҳқонлар ихтиёрига топширилди ва бу ўз ўрнида қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда минглаб қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш имконини берди.

Ўз навбатида, охирги йилларда пахта ва узум ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширишга эришилди, бироқ қурғоқчилик даражаси ортиши ҳамда юзага келаётган иқлим аномалиялари боис қатор асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигида сезиларли даражада пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, полиз экинлари ҳосилдорлиги 17, сабзавот — 14, дон ва маккажўхори — 6, картошка қарийб — 3, буғдой ҳосилдорлиги эса 1,5 фоизга камайди.

Семинарда Барқарор ривожланиш мақсадлари бажарилишини баҳолаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда янги тенденцияларни ҳал қилиш юзасидан ўзаро билим ва тажриба алмашинди. Айни чоғда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашишга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси — амалда

# ВОҲАМИЗНИ БОҒЛАРГА БУРКАЙМИЗ

*Бундан бир неча йиллар муқаддам Қорақалпоғистон, айниқса, унинг шимолий ҳудудларида яшил ва кўкаламзор ҳудудлар кам учрарди. Туманлараро йўлларнинг бўйларида саксовул, юлғун каби чўл дарахтлари, аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллаларда эса сийраккина ва саноқли турдаги дарахтлар бўларди холос. Лекин бу ҳолатга ҳеч ким ажабланмас, аксинча, буни денгиз чекинганидан кейинги сувсизлик, қурғоқчилик, ернинг шўрланиши, экологиянинг ёмонлашуви ва ҳоказо сабаблар билан боғлашарди.*



Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш борасида кўрилган қатор чоралар ҳам самарасиз бўлиб чиққанидан кейин одамларда келажакка ишончсизлик, ҳафсаласизлик, умидсизлик бошлангани ҳам ҳақиқат.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Орол денгизининг қуриган тубида яшил қопламалар барпо этиш ғояси ва ёппасига бошланган сафарбарлик барчани бу мудроқликдан уйғотди, десак, муболаға бўлмайди. Сал ўтмай Орол тубидаги қумликлар ўрнида гектар-гектар яшил қопламалар пайдо бўлди. Бу аҳолининг кўнглида табиатнинг яна жонланиши, атроф-муҳит ўнгланишига нисбатан умид ва ишончни пайдо қилди.

Юртбошимизнинг Орол денгизининг қуриган тубини яшил маконга айлантириш борасидаги ислоҳотлари, дунёнинг юксак минбарларида минтақамизда экологик барқарорликни сақлаш бўйича илгари сурган ташаббус ва ғоялари халқнинг кўнглидаги ишончни янада оловлантирди.

Давлатимиз раҳбари яқинда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида ҳам сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаяётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Албатта, булар инсониятнинг соғлом ҳаёт кечириши учун ўта муҳим бўлган омиллардир.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси эса мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда Қорақалпоғистон учун жуда муҳим эди. Чунки Орол денгизи инқирози натижасидаги экологик хавфнинг олдини олиш ва юмшатишда яшил ҳудудларни кўпайтириш, кўкаламзорлаштиришнинг ўрни беқиёс.

Мазкур лойиҳа сабаб кейинги икки йил давомида ҳар баҳор ва кузда яшил ҳудудлар кенгайиб борди. Юрт яшилликка бурканган обод маконга айланаётганини ҳар бир қорақалпоғистонлик ҳис қила бошлади. Шу боис ҳам халқимиз 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда "Кузги дарахт экиш мавсуми" деб эълон қилинганини зўр мамнуният билан қўллаб-қувватлаяпти.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт экиш ишлари барча туман ва шаҳарларимизда ҳамжиҳатлик билан давом этаётир. Лойиҳа бошланган вақтдан буён ўтган икки йил давомида ушбу ҳаракат доирасида 1,2 минг гектардан ортиқ яшил боғ ва жамоат парклари, 1 млн. гектардан зиёд яшил ҳудуд ва қопламалар барпо этилди.

Қорақалпоғистонда ҳам худди шундай манзара намоён бўлмоқда. Таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур лойиҳа доирасида 2021 йил куз ойларида 6,4 млн. туп кўчат экилган бўлса, 2022 йил баҳор ва куз мавсумида 14 млн., 2023 йил баҳорда 8,8 млн. туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилди. Шу йил куз мавсуми учун эса 5 млн. 950 минг туп кўчат экиш манзилли дастури тасдиқланди. Бунда асосий эътибор ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олишга қаратилгани эътиборга молик.

Шунингдек, шаҳар ва туманларда 16 та "Яшил боғлар" ва 17 та "Ҳокимлик боғи" барпо этиш режалаштирилган. Албатта, жараёнда энг муҳим масалалардан бири — ўз вақтида кўчат етказиб бериш. Бу масала бўйича ҳам мутасаддилар белгиланган, яъни масъул вазирлик ва идоралар, кўчат етиштирувчи фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар томонидан кўчатлар пешма-пеш етказиб берилаётир. Қувонарлиси, аҳоли томорқасида етиштирган кўчатларини ҳам яратилаётган яшил майдонларга ўзлари олиб бориб экмоқда. Эндиликда қайрағоч, терак, жийда, тут, заранг, узум ва бошқа мевали дарахтлар билан бир қаторда япон софораси, катальпа, шумтол, гледичия, айлант, акация, виргин арчаси, Шарқ туяси каби дарахтлар ҳам юртимизнинг кўркига кўрк қўшиб туради.

Айни пайтда умуммиллий лойиҳа доирасида маҳаллалар, кўча-хиёбонларга ва хонадонлар атрофларига дарахт кўчатларини экиш тадбирлари жадал давом этаётир. Нуронийлар ва ёшларимиз "Яшил макон" умуммиллий ҳаракатини қўллаб-қувватлаб ҳар бир оила энг камида уч тупдан, корхона, ташкилотлар эса ўн беш тупдан дарахт кўчатини экиш ташаббусини илгари сурмоқда. Бундан ташқари, республикамиз туманларидаги 5 мингдан ортиқ фермер, 16 мингдан зиёд деҳқон хўжаликлари ҳамда 342 мингдан зиёд томорқа ер эгалари кўчат экиб, боғ яратишга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистоннинг бир нуқтасида "Оналар боғи" ташкил этилаётган бўлса, иккинчисида "Маҳалла боғи", яна бир томонда эса "Ёшлар боғи" бунёд этилмоқда. Масалан, Нукус шаҳрининг жанубий дарвозаси ҳисобланган, темир йўл ва автотранспорт серқатнов бўлган магистраль йўлнинг икки томони йиллар давомида абгор аҳволга келиб қолган эди. Тўғри, бу ерга илгари ҳам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш билан боғлиқ оммавий тадбирларда кўчатлар экилган. Аммо улар униб-ўсмаган, сабаби, бунинг учун шароит яратилмаган.

Энди эса Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети томонидан ушбу магистраль йўл бўйидан 3,2 гектар майдон ер танлаб олингач, аввало, бу ерда тозалаш ва текислаш ишлари олиб борилди. Қум ва шағалдан иборат майдонда дарахт ўсиши учун шароит яратиш мақсадида тупроқ ва ўғитлар тайёрланди. Айни чоғда манзара бутунлай ўзгармоқда — университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари шижоат билан ишга киришган.

— Давлат раҳбари ўзи кўчат экиб, ибрат кўрсатганидан руҳланиб кетдик, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Турсунбай Абдужаппаров. — Бир неча кундан бери ёшлар билан баҳамжиҳат бу ерни текислаб, кўчат ўтқазяпмиз. Илгари кўчатлар экилиб, кейин қаровсиз қоларди. Энди ундай бўлмайди. Чунки бугун ернинг ва ҳар бир кўчатнинг эгаси бор. Бу боғ томчилатиб суғориш технологияси асосида суғорилади. Президентимиз биз, нуронийларнинг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларда бошқаларга ўрнак кўрсатишимизга катта ишонч билдирди. Биз бу ишончни оқлаймиз, албатта.

Белгиланган режага кўра, дарахт кўчатларини автомобиль ва темир йўллар бўйлари, қишлоқ хўжалиги экин ерлари, дала четлари, ҳимоя ўрмонзорлари, ўрмон фонди ерлари, ижтимоий соҳа муассасалари, корхоналар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида экиш назарда тутилган. Бундан ташқари, янгидан ташкил этиладиган яшил боғлар, туман-шаҳар ҳокимлиги боғлари, "яшил белбоғлар" бу режага киритилган.

— "Оналар — яшил макон учун" шиори остида хотин-қизлар ҳамжиҳатликда кўчат экяпмиз, — дейди Тўрткўл тумани оила ва хотин-қизлар бўлими раҳбари, ҳоким ўринбосари Инобат Жумабоева туманнинг "Оқбошли" овулида "Оналар боғи"ни барпо этиш жараёнида. — Маҳаллаларда бундай боғларни ташкил этишда "Оқила аёллар" ҳаракати, кўчабоши аёлларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Эндиги вазифамиз — ана шундай хайрли ишларни халқимиз орасида кенг тарғиб қилиб, ўлкамизни боғу бўстонга айлантиришда фаоллик кўрсатиш.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш ишларига қорақалпоғистонлик ёшлар алоҳида қизиқиш ва иштиёқ билан қатнашмоқда. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиали ҳудуди атрофига дарахт ва бута кўчатларини экиш акциясидаги кўтаринкилик бу фикримизга ёрқин мисол. Тадбир доирасида 200 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, таълим даргоҳи ҳудуди чиқиндилардан тозаланиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

— Юртимиз бўйлаб бошланган бу ташаббус экологияни барқарорлаштириши, ҳавонинг тозалигини таъминлаш билан бир қаторда қалбимизни ҳам эзгуликка буркамоқда. Шу боис ҳам ёшларимиз астойдил ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган, — дейди филиалнинг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи А. Сейткамалов.

Дарҳақиқат, бугун "Янги Ўзбекистон — яшил маконда бирга яшайлик" деган эзгу ғоя бутун халқимизни табиат бағрида бирлаштирди. Аслида ҳам биз доим она табиат, атроф-муҳитнинг софлиги ва барқарорлигини сақлашга интилиб келадиган халқмиз. "Яхшидан боғ қолади" деган ибора қон-қонимизга сингиб кетгани ҳам бежиз эмас.

Агар "Авесто" китобида табиатга, тупроққа, ўсимлик, сувга, ҳайвонларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида сўз юритилганини инобатга олсак, экологик тарбиянинг илдизлари жуда қадим даврлардан бошланганига гувоҳ бўламиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари "Бобурнома"да ҳам баён этилган табиат манзаралари, ўсимликлар, ширин мевалар, ҳайвонот олами, йилнинг фасллари ҳақидаги бебаҳо таърифу тавсифлар уни ўқиган одамни ҳануз мутаассир этмай қўймайди. Демак, табиатга ана шундай меҳр билан муносабатда бўлиш, юртимизни боғу бўстонга айлантириш бугунги авлоднинг асосий вазифаларидан. Зеро, тинч-осойишта юртимизга, фаровон ҳаётимизга бу янада кўрк ва бахтиёрлик бахш этади.

**Назира МАТЁҚУБОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ:

# ХУСУСИЙ ТИББИЁТ РАВНАҚИ СИФАТЛИ ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ШАРОИТ ЯРАТАДИ

*Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кейинги йилларда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, шу мақсадда тадбиркорлик, унинг истиқболли тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Айни жараёнда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ кўмагида ишга туширилаётган тадбиркорлик лойиҳалари ҳам бу борадаги эзгу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлмоқда.*

## Молия муассасаларида

Юртимиз ОАВ вакиллари учун уюштирилган навбатдаги пресс-турда банкнинг имтиёзли кредити эвазига ўтган йилнинг баҳорида Тошкент шаҳрида иш бошлаган "Mediart" хусусий клиникаси фаолияти билан яқиндан танишилди.

Замонавий тиббиёт муассасасига банкнинг 2 миллиард сўм миқдоридаги кредити эвазига хориждан энг сўнгги русумдаги лаборатория-диагностика жиҳозлари, асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда марказда беморларга гинекология, невропатология, репродуктология, косметология, ЛОР каби 50 га яқин йўналишларда малакали хизмат кўрсатилади. Мутахассисларнинг 10 нафардан зиёди олий тоифали шифокорлар бўлса, 25 нафари кўп йиллик тажрибага эга ўрта тиббиёт ходимларидир.



Хусусий клиникада кунига ўртача 120 — 150 нафар беморга касалликларни эрта аниқлаш, бехато ташхис қўйиш бўйича хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Шунингдек, бу ерда ўрнатилган лаборатория жиҳозлари ёрдамида буюртма асосида бошқа хусусий клиникалар беморлари учун турли тиббий таҳлиллар ўтказиб борилади.

Ўз навбатида, ўтган қисқа даврда икки мингдан ортиқ аёлларимизда бачадон саратони касаллигини эрта аниқлаш ва профилактикаси борасида қувонарли ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, касалликка аниқ ташхис қўйиш ва тиббий муолажалар орқали юзлаб оилалар аъзолари бепуштликдан даволаниб, уларнинг кўп йиллик орзулари амалга ошишига кўмаклашилди ва фарзандли бўлиш қувончи улашилди.

— Президентимизнинг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқоти бизга мотивация бериб, янги ютуқлар сари дадил қадам ташлашга ундади, — дейди хусусий клиника бош шифокори Гўзал Ҳайитбоева. — Шу боис фаолиятимизни кенгайтириш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқиб, Яшнобод тумани ҳокимлиги ҳамда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Яшнобод туманидаги банк хизматлари марказига тақдим этдик. Банк томонидан қисқа фурсатда кредит ажратиб берилди.

Тиббиёт муассасаси раҳбарининг қайд этишича, 2024 йилда бизнес-режанинг иккинчи босқичини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Банк кредити ёрдамида кейинги йили клиникага қўшимча бино қурилиб, мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиш учун ихтисослаштирилган марказ фойдаланишга топширилади. Шу мақсадда Жанубий Корея, Ҳиндистон тиббиёт муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда.

Муҳими, қатнов ва ётиб даволаниш учун қулай шароит яратилиши туфайли қўшимча 50 та янги иш ўрни очилади. Мутахассисларимиз дунёнинг етакчи тиббиёт клиникаларида доимий малака ошириш, ўзаро ҳамкорликда жарроҳлик амалиётлари ўтказиб бориш имконига эга бўлишади.

Бугун тиббиётда лаборатория таҳлиллари муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Марказда ўрнатилган жиҳозлар кунига 1-1,5 мингта таҳлил ўтказиш имконини беради. Яна бир қулайлиги — беморга бундай таҳлиллар жавоби тез фурсатда етказилади.

— Ҳозирда тўртинчи фарзандимга ҳомиладорман, — дейди Яшнобод туманида истиқомат қилувчи Мадина Бўриева. — Яшаш манзилимга яқинлиги сабабли ўзим ва туғилажак фарзандимнинг соғлиғи доим шифокорлар назоратида. Эҳтиёж туғилганда клиника шифокорлари билан онлайн тарзда мулоқот қилиб, керакли муолажаларни ҳам олиш мумкин. Айнан ана шу каби қулайликлари туфайли ҳам биз мазкур клиника хизматларидан фойдаланамиз.

Гинеколог Наргиза Каримованинг маълум қилишича, шифокор учун онага фарзанд кутаётгани ҳақидаги хушхабарни етказишдан ортиқ бахт йўқ. Ахир болажон халқимизнинг ҳаёти тўкислиги, оила бахти ширин-шакар фарзанд умиди билан боғлиқ.

Клиникада косметология соҳасида ҳам ўнлаб хизматлар кўрсатилиб, тери юзасидаги ортиқча ҳоллар, чандиқларни даволаш, юз-тери парвариши, опа-сингилларимизнинг янада гўзал ва малоҳатли бўлиб юришларига кўмаклашилмоқда.

Пресс-тур доирасида журналистлар клиникада яратилган қулайликлар, лаборатория таҳлиллари ва касалликка ташхис қўйиш жараёнлари ҳамда муассасанинг ўзига хос афзал жиҳатлари билан юзма-юз танишиш имконига эга бўлди.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ.

1. Биотехнология кафедраси: доцент (2), катта ўқитувчи (1);
2. Биотиббиёт муҳандислиги кафедраси: ассистент (3);
3. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси: катта ўқитувчи (1);
4. Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси: профессор (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2);
5. Умумий кимё кафедраси: доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (1);
6. Саноат дизайни кафедраси: катта ўқитувчи (1).

НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Нефть-газни қайта ишлаш объектлари кафедраси: катта ўқитувчи (3), ассистент (1);
2. Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш кафедраси: ассистент (3);
3. Нефть ва газ саноати машина ва жиҳозлари ва қувур-транспорт тизимлари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
4. Чет тиллар кафедраси: кафедра мудири, доцент (2), катта ўқитувчи (3), ўқитувчи (2).

ЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Ахборотларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
2. Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси: доцент (1), ассистент (1);
3. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси: доцент (1), ассистент (2);
4. Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси: катта ўқитувчи (1);
5. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси: доцент (1);
6. Лазер технологиялари ва оптоэлектроника кафедраси: доцент (1), ассистент (1);
7. Ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи (1);
8. Радиотехник қурилмалар ва тизимлар кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (2);
9. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: доцент (1).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси: профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1);
2. Электр таъминоти кафедраси: катта ўқитувчи (2);
3. Гидроэнергетика ва гидравлика кафедраси: катта ўқитувчи (1);
4. Электр техникаси кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (2);
5. Альтернатив энергия манбалари кафедраси: доцент (1), катта ўқитувчи (1), ассистент (1);
6. Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси: катта ўқитувчи (1).

ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Саноат иссиқлик энергетикаси кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), катта ўқитувчи (1);
2. Термодинамика ва иссиқлик техникаси кафедраси: катта ўқитувчи (1), ассистент (1);
3. Атом электр станциялари кафедраси: профессор (1);
4. Энергия тежамкорлиги ва энергетика аудити кафедраси: катта ўқитувчи (1).

ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ВА КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

1. Кончилик иши кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (2);
2. Кўмир ва қатламли конлар геотехнологияси кафедраси: кафедра мудири, доцент (1), катта ўқитувчи (1);
3. Металлургия кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (1), ассистент (2);
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси: профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
5. Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси кафедраси: доцент (1);
6. Геология, минералогия ва петрография кафедраси: кафедра мудири, профессор (1), доцент (1), ассистент (1);
7. Ўзбекистон тарихи кафедраси: доцент (1), ассистент (2);
8. Педагогика ва психология кафедраси: катта ўқитувчи (2), ассистент (1).

МАШИНАСОЗЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

1. Машинасозлик технологияси кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (3);
2. Ер усти транспорт тизимлари кафедраси: катта ўқитувчи (1);
3. Хизмат кўрсатиш техникаси кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (1);
4. Энергия машинасозлиги ва профессионал таълими кафедраси: доцент (3);
5. Чизма геометрия ва компьютер графикаси кафедраси: катта ўқитувчи (1);
6. Олий математика кафедраси: катта ўқитувчи (2).

МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

1. Материалшунослик кафедраси: катта ўқитувчи (3), ассистент (1);
2. Металларга босим билан ишлов бериш кафедраси: катта ўқитувчи (2);
3. Қуймакорлик технологиялари кафедраси: доцент (1);
4. Совитиш ва криоген техникаси кафедраси: катта ўқитувчи (1);
5. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси: профессор (1), катта ўқитувчи (1);
6. Материаллар қаршилиги ва машина деталлари кафедраси: кафедра мудири, катта ўқитувчи (2);
7. Умумий физика кафедраси: профессор (1).

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади.**
**Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.**

**Эслатма**: мазкур университетда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарсларини ўтади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй,
Тошкент давлат техника университетининг бош биноси 402, 208-хоналар.
Телефонлар: 71-207-08-59, 71-207-14-52

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6